UZBEKISTON

Мустақиллик 11 йил

# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 31 август, шанба • №69-70 (11.457-458) • Эркин нархда сотилади

## ВАТАННИ СЕВАЙЛИК!

Юртимиздаги тинч, осуда осмонни, чарақлаб турган қуёшни, юз бераётган ўзгаришларни, қад кўтараётган биноларни кўриб, нималарни ўйлаш мумкин? Албатта, шу заминда яшаётган, уларни яратаётган жафокаш юртдошларимиз, ота-оналаримизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни, фарзандларимизни ўйлаймиз. Уларнинг тимсолида Ватан тушунчаси кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, Ватан мавҳум тушунча эмас. Шу тупроқ ҳам Ватан, уни яшнатиб меҳнат қилаётган кишилар ҳам Ватандир. Биз ҳаммамиз унинг тезроқ гуллаб-яшнаши, порлоқ истиқболини яратишни истаймиз. Албатта, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун қаттиқ ишлаш, Ватанни ҳамма бирдек севиши керак.

Муҳтарам Президентимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаларини тинглар эканмиз, ана шу фикрлар хаёлимиздан ўтди, албатта. Истиқлол йилларидаги ўзгаришлар асрларга татигуликдир, деган гаплар айримларга баландпарвоз, муболағадек туюлади. Аслида биз ўтган ўн бир йилда ҳақиқатан ҳам юз йилликларга тенг воқеаларнинг, ўзгаришларнинг, янгиланиш жараёнларининг гувоҳи бўлдик. Энг муҳими, биз бу жараёнга ўз йўлимиз билан киришдик. Ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини танладик ва мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнини топди. Ва, эътироф этилди. Ўтган ўн бир йил мобайнида Ватанда юз берган ана шу ўзгаришлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда, оиламизда ўз аксини топди. Таъбир жоиз бўлса, биз ҳам мустақил Ватан билан бирга ўсдик, ўзгара бошладик. Афсуски, орамизда яшаб, бунга гувоҳ бўлган, аммо, кўриб кўрмасликка олган кишилар ҳам ҳамон учраб турибди. Лекин йиллар ўтиб, бунга келажак авлод ва тарих ўзининг муносиб баҳосини беради, албатта.

Бу йўлнинг текис бўлмаганлигини, ўтган ўн

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗИГА ИШОНГАН ЮРТ

*Бу улуғ бир эл эрур, қоя каби қалқондир,*
*Бир-бирини қувватлар чоғ, ағёр аҳли талқондир.*
*Келажаги йўқ деган даъволари ёлғондир,*
*Ўзига ишонган юрт,*
*Элига суянган юрт.*
*Елкага эл юкидан ўзгасин ортгани йўқ,*
*Қучоқ очган меҳмондан ўз бағрин тортгани йўқ,*
*Ярим йўлда пешона терини артгани йўқ,*
*Ўзига ишонган юрт,*
*Элига суянган юрт.*
*Истиқлол йўлларига чин дилдан мадад тилаб,*
*Ёмонин ошкор қилмай, яхшининг бошин силаб,*
*Сабру қаноатда кунини тунга улаб,*
*Ўзига ишонган юрт,*
*Элига суянган юрт.*
*Иншоллоҳ, то абад инъомлари кўп бўлсин,*
*Халқнинг йўли ҳақ, ҳақ йўлнинг*
*имконлари кўп бўлсин,*
*Тонгда қилган тилаги, каломлари кўп бўлсин.*
*Ўзига ишонган юрт,*
*Элига суянган юрт.*

Ҳамид НОРҚУЛ.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:**

**«Жасорат» медали билан**

**Абдуллаев Махмуд Рисбаевич** /марҳум/ – Тошкент вилояти Пскент тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**«Шуҳрат» медали билан**

**Джаббаров Толибжон Сайдахметович** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг божхона пости катта инспектори

**Сахаддинов Салохиддин Мансурович** – Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари

**Хамдуллаев Куанышбай** – Тошкент вилояти хўжалик судининг судьяси

**Хамидов Миразим Абитович** – Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Юлдашев Илхомбой Хусанбоевич** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Оҳангарон тумани бўлимининг бошлиғи

## ИШЛАРИ ЁДГА ОЛИНДИ

Байрам арафасида Ангрен шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан «Ўзбекконқурилиши» акционерлик жамияти ва шаҳар директорлар кенгашига узоқ йиллар давомида раислик қилиб, шаҳарнинг ободонлаштирилишига, йўл қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган Эдуард Вортонович Кольустян хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Нотиқлар Эдуард Кольустяннинг ёрқин хотираси ҳақида гапиришди.

Шаҳардаги Тараққиёт маҳалласи кўчаларининг бирига унинг номи қўйилди.

Мунаввара ИСОҚОВА.

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯ ҲАҚИДА АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибиятни ташкил қилди ва кун тартибини тасдиқлади.

Депутат С. Худоёровни хотирлаб, депутатлар бир дақиқа сукут сақлади.

Сессия кун тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бошланди. Депутатлар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Т. Камаловни ушбу вазифадан озод этди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига биноан М. Ерниязовни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этди, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб берди. Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, сиёсий институтлар ва нодавлат жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, Қуролли Кучларни давр талабига мувофиқ ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасини муҳокама этишда депутатлар маърузадаги фикр ва хулосаларни, мамлакатда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш концепциясини қўллаб-қувватлади.

Депутатларнинг таклифига кўра, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузди. Мазкур комиссия раиси – парламентнинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов депутатлар эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан қарор лойиҳасини ҳавола этди. Олий Мажлис тегишли қарор қабул қилди.

Молия вазири М. Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримов қўшимча маъруза қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Селекция ютуқлари тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрири лойиҳасини депутатлар муҳокамасига парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И. Қаландаров ҳавола этди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонунни тасдиқлади.

"Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримов ҳавола этди. Депутатлар "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н. Жўраев депутатлар муҳокамасига "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар ушбу қонуннинг янги таҳририни қабул килди.

* * *

30 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.



Парламент сессиясининг иккинчи куни янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ. Жумабеков ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ер ости бойликларидан халқ ва келажак авлод манфаати йўлида оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз улкан ва ноёб табиий бойликларга эга, улардан хўжалик фаолиятида имкон қадар тезроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бугун ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш, ушбу соҳада мавжуд барча тўсиқларни бартараф этиш ғоят муҳимдир. Президент, шунингдек минерал ресурсларнинг миқдори ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда табиий бойликларнинг махсус реестрини тайёрлаш, мамлакатимизда мавжуд фойдали қазилмалар заҳираларига нисбатан жаҳон бозоридаги коньюктурани доимий равишда ўрганиш, қулай инвестициявий иқлим яратиш лозимлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз ушбу масалаларнинг барчасини қонунни якуний ишлаб чиқишда ҳисобга олишни таклиф этди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунни биринчи ўқишда қабул қилиш ва уни умумхалқ муҳокамаси учун чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунни Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов тақдим этди.

Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама этишда Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситаларида цензура бекор қилинган шароитда сўз эркинлигига масъулият билан ёндашиш тўғрисида унутмаслик зарурлигини таъкидлади. Журналистлар материал тайёрлашда ўзбек халқининг Ғарб давлатлари халқларидан жиддий фарқ қиладиган менталитети, анъана ва урф-одатларини ҳисобга олиши лозим. Сўз эркинлиги тафаккурнинг юқори маданиятини ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз вазифаларига виждонан ёндашувини инкор этмайди.

Олий Мажлис "Ўзбекистон матбуоти" журналининг бош муҳаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедовнинг ушбу масала бўйича чиқишидан сўнг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутатлар, шунингдек "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни муҳокама этди ва қабул қилди.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия иштирокчилари эътиборига парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафоева тақдим қилди. Олий Мажлис "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси тўғрисида сессияда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди. Парламент мазкур қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан депутат Н. Исмоилов "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси Котибияти раҳбари Т. Норқуловнинг сессия давомида келиб тушган фуқаролар мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Б. Эшоновни берган аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси лавозимидан озод қилди ва Б. Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси этиб сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. Ишметов тақдимига кўра сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий Мажлис, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов тақдимига кўра мазкур суд таркибига ўзгаришлар киритди.

Депутатлар Н. Исмоиловни Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

# ВАТАННИ СЕВАЙЛИК!

бир йил мобайнида таҳликали кунлар, ёвуз мақсадларига эришиш учун ўта хавфли ҳуружлар қилинганлигини унутишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Аксинча, улар ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши керак. Айни вақтда бундай хавфнинг ҳамон мавжудлигидан кўз юммаслигимиз зарур. Аксинча, унга муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратга, эътиқодга эга эканлигимизни ҳис этишимиз лозим.

Халқимизда ютуқлар ўзимизники, деган ибора бор. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон қандай муваффақиятларга эришмасин, шиддат билан ўтиб бораётган давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Президентимиз Олий Мажлис сессиясида бутун жамият ҳаётини, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақсадини бўй-басти билан таҳлил этиб берар эканлар, эндиликда олдимизда турган асосий устувор вазифалар ва тараққиёт йўналишларини ҳам баён этиб, шундай дедилар: «Муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади. Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир».

Сўзсиз, маърузада таъкидланганидек, «Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади».

Бу сўзларнинг замирида қанчалик катта масъулият турганлигини ҳар бир киши чуқур идрок этадиган давр келди. Сессия минбаридан билдирилган мулоҳазалар негизида ана шу мақсадга хизмат қиладиган, уларни амалга ошириш учун зарур бўлган устувор йўналишларда изчил ҳаракат қилиш учун катта меҳнат, изланиш ётибди. Аслида уларнинг ҳар бири ҳаётимизни яхшилаш, фаровонлигимизни, тинчлигимизни таъминлашга хизмат қиладиган дастурлардир. Эътибор беринг: мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш ва, ниҳоят, барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омилига эътиборни кучайтириш. Бу вазифаларнинг қай бири Ватан ва жамият тараққиётида етакчи роль ўйнамаслиги мумкин? Аслида, бу вазифаларнинг ҳаммаси биз танлаган, собитқадамлик билан бораётган йўлимизнинг узвий давомидир. Бу йўналишларнинг ҳар бири замирида жуда катта меҳнат ётибди. Уларни амалга ошириш учун ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшмоғимиз зарур. Мустақил Ватанга муносиб бўлмоғимиз керак.

Биз ўтган ўн бир йилда нималарга қодир эканлигимизни намоён эта олдик. Бугун газетамизнинг саҳифаларида истиқлол йилларида биргина Тошкент вилоятида турли соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар баён этилганки, бу ана шу саъй-ҳаракатларнинг узвий бир бўлагидир. Бизга мана шундай ҳурлик берган Ватаннинг қадрига етайлик. Уни асраб-авайлаб, янада гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Эртага нишонланажак Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## ЯНГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЛОЙИҲАСИ

**"Ньюмонт Майнинг" Америка корпорациясининг "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед" шўъба корхонаси Халқаро Вестминстер университети талабаларини Тошкентда ўқитиш учун иккита лойиҳа таъсис этди.**

– Компаниямиз махсус стипендияларни таъсис этиш учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида Тошкентда Халқаро Вестминстер университети билан ҳужжат имзолади, – деди "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед" директори Баҳром Салоҳиддинов. – Мустақиллик байрами "Ньюмонт" учун алоҳида мазмунга эга. Зеро, компания республика мустақилликка эришгач мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлади.

***"Туркистон-пресс"***

## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# «КЎЗЛАРИ ТЕРМУЛМАСИН»

**Ўшанда 1933 йилнинг 3 март куни эди. Ҳали қуёш бош кўтариб ўзининг заррин нурларини борлиқ узра сочиб улгурмаган. Атрофни баҳорий шудринг қоплаган. Пўлатхўжа ака хўроз қичқириғидан уйғониб, боғ этагидаги сойга тушди. Юз-қўлларини ювди. Шу топда кўча эшикни кимдир қаттиқ тақиллатгандек бўлди. У шаҳдам қадамлар билан бориб эшикни очди. Эшик ортида икки қуролланган киши турарди.**

**...Ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир. Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим.**

— Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев... сен бўласанми? — деди йўғон овозда улардан бири. — Қамоққа олиндинг. Сабабини маҳкамага борганингда биласан.

Улар Пўлатхўжанинг қўлига кишан солиб, олиб кетишди. Дераза ойнасидан нима бўлаётганига ақли етмаган олти ёшли жажжигина қизалоғи Мунисхон мўлтиллаб ота ортидан бўзлаб қолаверди...

Ўша кезларда П. Сиддиқхўжаев кўзга кўринган ишчи-деҳқон мухбирлардан эди. Унинг хабар ва мақолалари «Қизил Ўзбекистон», «Батрак», «Камбағал деҳқон» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида тез-тез чоп этиларди. Ўттизинчи йилларнинг бошида унинг ташаббуси билан Кавардон қишлоғида «Меҳнат-бирлик» (ҳозирги «Дўстлик») хўжалиги ташкил қилинади. Унинг биринчи раиси ўзи бўлади. Пўлатхўжанинг отаси Сиддиқхўжа ака 1922 йили Кавардон қишлоғида фожиали ўлдирилди. Уч қиз ва икки ўғил отадан бевақт айрилиб онаси Сарвинисо ая тарбиясида қолди.

Кавардон қишлоғида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 1932 йили у Россиядан бир ярим минг бош қўй олиб келади. Лекин, орадан бир неча ой ўтгач, қўйлар юқумли касалликка чалиниб, нобуд бўла бошлайди. Шунда Пўлатхўжа қўйлар ҳаром ўлмасин, дея уларни оч-наҳор кун кечираётган деҳқонларга тарқатади. Лекин, бош ҳисобчи Гилмиддин Абзий тарқатилган қўйларнинг рўйхатини раиснинг хонасидан ўғрилаб чиқиб, ёқиб ташлайди. Раисни кўролмайдиганлар билан тил бириктириб, жамоа хўжалигининг бир ярим минг бош қўйини талон-тарож қилиб юборди, деб юқори ташкилотга шикоят ёзишади. Текширишлар пайтида дўқ-пўписалардан қўрққан одамлар биз қўй олмаганмиз, деб тонишади.

Дарҳақиқат, 1934 йили август ойида унинг иши қайта кўриб чиқилганда, ҳеч қандай айби йўқлиги исботланади. Аммо ўз обрўсини йўқотишдан қўрққан Олий суд Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Пўлатхўжа ака қамоққа олингач, унинг умр йўлдоши Файзинисо ва қизи Мунисхонга ҳам кун беришмади. Улар яшаб турган уйда обдон тинтув ўтказишиб, Пўлатхўжа ака ёзиб қолдирган шеър ва ғазалларни топиб олиб, ёқиб ташлашади. 1940 йилларга келиб, «Қамалган ота учун бола, бола учун ота жавобгар эмас», деган қарор чиқдию уларнинг ҳаётида ҳам озгина «ўзгариш» пайдо бўлди.

Мен яқинда қатағон йилларининг қурбони Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг қизи Мунисхон ая Пўлатхўжаева хонадонида бўлдим, у билан узоқ суҳбатлашдим. Онахон шу вақтгача отасининг қабри қаерда эканлигини билмаслигини айтди.

Ўша куни Мунисхон ая муқоваси титилиб кетган «Гулистон» журналининг 1971 йил 5-сонида таниқли журналист ва олим Тоҳир Пидаевнинг «Улар биринчилардан эди» сарлавҳали мақоласини кўрсатди. Мақолада жумладан қуйидаги сўзлар битилган: «Суратда Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари делегациясининг аъзоларини кўриб турибсиз... (А. Ёқубов Москвага делегация раҳбари, «Қизил Ўзбекистон» газетаси вакили бўлиб борган)... Афсуски, суратнинг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев тасвирланган қисми йиртилиб кетган. П. Сиддиқхўжаев энг фаол мухбирлардан эди».

Сочлари оқариб, юзларига ажин тушган, кўз ойнак таққан Мунисхон ая титроқ қўллари билан дутор чертади, отасининг қамоқхонада ёзган шеърларини куйлайди:

*Гул юбординг сен менга,*
*Гулдек юзимиз сўлмасин.*
*Гулнинг ғунчаси каби*
*Кўнгилга қонлар тўлмасин.*
*... Ҳеч кишининг биз каби*
*Кўзлари термулмасин!*

Мунисхон ая дутор чертиб, «Халқ душмани» тамғаси билан қамоққа олинган отасини ҳамон армон билан йўқлайди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***





Мустақиллик 11 йил

**Кўзларда ёш, кўнгилда ажиб бир ғурур туйғулари билан сизларга мурожаат қилаяпман. Кўрган кунларимизга, кўраётган иззат-икромларимизга шукроналар айтаман.**

# ТАЪЗИМ ҚИЛАМИЗ

Албатта, буларнинг ҳаммаҳаммаси истиқлолимиз шарофати туфайли қўлга киритилаётганини биламан.

Домла Ҳамид Сулаймон билан бир ёстиққа бош қўйиб, яхши ва ёмон, даҳшатли ва чидаб бўлмас замонларнинг гувоҳи бўлдик. Домла қатағон йилларидаги совуқ узлатда ҳам, кейинчалик бошига тушган синоқли йилларда ҳам қаддини букмади, бировга муте бўлмади. Иродасини, сабр-матонатини бир ерга жамлаб, фақат фан ва маданиятга ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаверди. Тошкент Давлат педагогика институтида ўқишга чанқоқ талабаларга сабоқ берар, бўш вақтларини эса, қўлёзмаларга кўмилиб ўтказарди. У киши ўзидан катта ва такрорланмас мерос қолдиргани рост.

Кўп йиллар домла билан умргузаронлик қилиб, бирор марта бўлса-да, нолиганларини, мен ундай қилдим, бундай қилдим, деганларини сира эшитмаганман.

Халқимизда юк кўтарган юзага чиқади, деган ибратли нақл бор. Мустақиллик шарофати туфайли домланинг номлари ҳам Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбоблари қатори тилга олингани ҳамда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганликлари оиламиз, фарзандларимиз, невараларимиз кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Халқимизга, муҳтарам Юртбошимизга чин дилдан қуллуқ! Бизни эъзозлаганларни Оллоҳ қулласин.

***Фозила СУЛАЙМОНОВА, профессор.***

***Юқоричирчиқ туманидан урушга кетган марди-майдонларнинг 512 нафари душманга қарши сўнгги томчи қони қолгунча жанг қилиб, қаҳрамонларча жон бердилар.***

# НОМЛАРИ УНУТИЛМАЙДИ

Мангуликка дахлдор бу инсонлардан ҳам яхши ном, кўрсатган жасоратлари қолди. Уларнинг номини, мардлигини кейинги авлодларга етказиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу мақсадда туман раҳбарияти, ташаббускорлар, саховатли инсонлар ёрдами ва саъй-ҳаракати билан яна бир савоб иш амалга оширилди. Жумабозор қишлоғида урушдан қайтмаганлар руҳи шод этилиб, Шаҳидлар майдони барпо этилди. Қаҳрамонлар исми шарифи мармар тошга битилди. Бу жой ҳам эндиликда юқоричирчиқликлар учун бир зиёратгоҳ бўлиб қолади. Ёшлар боболарини, ҳамюртларини хотирлашади. Бу эса йигит-қизларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Ёдгорлик мажмуаси бугун очилади.

***Даврон АҲМАД.***

# КЎНГИЛЛАРИ ШОД БЎЛДИ

**Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги нишонланадиган кун арафасида вилоят Ички ишлар бошқармасида фожиали ҳалок бўлган, вафот этган ходимларнинг фарзандлари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Анъанавий тадбирнинг айнан шу байрам арафасида ўтказилаётгани бежиз эмас. Негаки, бу марҳумлар ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида азиз ҳаётларини қурбон қилишган.

Шундай инсонлар ҳақида гап кетганда 1999-2000 йилларда Янгиобод шаҳри атрофларида, Бўстонлиқ туманининг узоқ тоғли ҳудудида бўлган мудҳиш воқеаларни эслаш жоиз. Ўшанда бир гуруҳ жиноятчилар, Ватанимиз душманлари мустақиллигимизга таҳдид солмоқчи бўлган эдилар. Босқинчилар қақшатгич зарбага учрашди. Бироқ, жанг қурбонсиз бўлмаганидек, Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги В.Говорухин, унинг биринчи ўринбосари, милиция майори Б.Пўлатов, ЖҚБ катта тезкор вакили, милиция майори А.Қорабоев, 18-ҲУКК ходими, ички хизмат сержанти И.Саидаҳметов, Чирчиқ шаҳар ИИБ ЖТСХ ходими, милиция сержанти Э.Эмираджиевнинг дилбандлари, қариндош-уруғлари, ардоқли кишиларидан жудо бўлдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу болаларнинг оталари ўлмаган, улар фарзандлари тимсолида яшамоқда. Шоир айтмоқчи:

*Болам, отам ўлган дема,*
*мен ўзингда яшайман.*
*Дилинг, тилинг бир бўлса гар,*
*мен сўзингда яшайман.*

Учрашув ҳаяжонли таассуротларга бой ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси А. Аҳмаджонова қатнашди.

***Ўз мухбиримиз.***





*Суратларда: марҳумлар фарзандлари билан учрашувдан лавҳалар.*
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## 1-сентябрь — Билимлар куни



**Халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият замирида қурилганига асосий эътибор бериш керак.**




# КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШИ

**Саидхўжа ТОШХЎЖАЕВ,**
**Қибрай тумани ҳокими.**

— Мустақиллик дастлабки йилларданоқ ёш авлод тарбиясига мутлақо янги талаблар қўйди. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа муҳим қонунчилик-меъёрий хужжатлари қабул қилинди. Бу вазифалар ғояси, мақсади, илмий асосланганлиги, инсонпарварлиги, фикрлар қамрови, теранлиги билан XXI асрга мўлжалланган бўлиб, жамиятимизда кечаётган туб янгиланишларга, шу азиз диёримиз истиқлолига хизмат қилмоқда.

Эртанги кунига умиди бўлган киши ёш бўғин тарбиясини эътибордан қўймайди. Шу маънода Президентимиздан ҳар қанча ибрат олсак арзийди. У кишининг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда таълим тизими, аввало, унинг моддий-техника базасида ҳайратомуз ўзгаришлар юз бермоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар таълимни мутлақо янги изга солиб юборди. Бу жиҳатдан туманимиз ҳам истисно эмас. Биргина Янгиобод қишлоғидаги икки коллежда ёшларимиз замонавий касбларни эгаллашмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида туманимиз халқ таълимини ривожлантириш жамғармасида 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ тўпланди. Шу ҳисобдан учта янги бино қуриб, фойдаланишга топширдик.

Мустақиллигимизнинг ўн биринчи йилги байрамини 5 та мактаб учун янги, таълимнинг замонавий педагогик технологиялари талабларига жавоб берадиган биноларни қуриш билан нишонлаяпмиз. Улар жами 1650 ўқувчи ўрнига эга. Бу мақсадлар учун барча манбалардан деярли 1,5 миллиард сўм сарфлаяпмиз.

Фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун асос яратиш жараёнида Туроб Нормуҳамедов номли, «Дўрмон», «Маданият», «Байтқўрғон» ширкат хўжаликларининг меҳнат жамоалари, айниқса, фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, Туроб Нормуҳамедов номли ширкат хўжалиги 45-мактаб учун икки қават, 24 хонали янги бино қуриб берди. Ўқувчиларнинг тажриба хўжалиги учун 2 гектар ер майдони ҳам ажратди. Умуман, хўжалик мактаб қурилиши учун бир йилда уч юз миллион сўм сарфлаяпти. Бугина эмас, қишлоқ мактабларида самарали ишлаб келаётган ўқитувчиларга қўшимча ойлик ҳам тўланяпти. «Маданият» ширкат хўжалиги ўтган йили 32-мактаб ўқувчилари учун янги бино қуриб берган эди. Бу йил эса, 40-мактаб учун замонавий бино қурилмоқда.

Кўриниб турибдики, эндиликда таълим иши бутун жамиятнинг, кенг жамоатчиликнинг ишига айланди. Шу жиҳат «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли бажарилишининг гаровидир.

# ПУХТА АСОС

**Дилфуза АБДИЕВА,**
**Оққўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.**

— Бугун биз мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш орзуси билан яшамоқдамиз. Ўтган йиллар мобайнида уни рўёбга чиқариш йўлида қатъий қадамлар қўйилиб, бир қатор тажриба ҳам орттирилди. Мактабларда бўлганимда, бунга такрор ва такрор иқрор бўляпман.

Бугун туманимиздаги уч мактабда тўлиқ, беш мактабда эса бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва кўникмалари рейтинг тизимида баҳоланмоқда. Икки мактаб таълимнинг янги тизимига ўтиш бўйича тажриба-синов майдонига айлантирилган. Орттирилган тажрибалар бошланаётган ўқув йилидан яна 17 та мактабда бошланғич синфларни замонавий таълим тизимига ўтказиш имконини бераётир.

Чунончи, туманимиздаги 16-мактабда — она тили, 6-мактабда — математика, 10-мактабда — информатика, 13-мактабда — физика, 30-мактабда — биология, 34-мактабда — география, 38-мактабда — тарих, 46-мактабда — жисмоний тарбия фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилмоқда. Узлуксиз таълимни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда янги педагогик технологияларни қўллаш, чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш кўламларини кенгайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун биз даврга ҳамқадам ҳамкасбларимизнинг ижодий-педагогик изланишлари билан фахрланамиз. Чунончи, 3-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Карима Қодированинг Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанини бошқа фанлар билан уйғунликда ўқитиш тажрибаси кенг оммалаштириляпти. 19-мактабнинг тарих ўқитувчиси Бахтиёр Жумақулов ўқувчиларга ҳуқуқий маданиятни сингдиришда энг илғор таълим усулларидан фойдаланмоқда. 46-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Истар Мақсудов «Уста ва шогирд» дастурини амалга ошириб, ўқувчиларга миллий ҳунармандчилик кўникмаларини сингдирмоқда.

# ИСТИҚБОЛ МАСЪУЛИЯТИ

**Шоазим ЎРМОНОВ,**
**Бўстонлиқ туманидаги 45-мактаб директори.**

— Биз Пскомда яшаймиз. Бу — тоғ бағридаги олис бир қишлоқ. Лекин азиз ва ҳур Ватанимизнинг яратувчилик нафасини ҳар он ҳис қилиб турамиз. Бу Мустақиллик байрами нишонланаётган дамларда ўзгача бир туйғулар уйғотади қалбларимизда. Ўзимизни бамисоли 180-200 километр олисдаги байрам тантаналари ўтаётган ўша бош майдонда ҳис қиламиз. Шундай пайтларда одамларимиз қалбида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби фазилатлар ниҳоятда бўртиб намоён бўлади. Ана шу тинч, осойишта, файзли ҳаётимиз учун шукронамиз беназир.

Ўғил-қизларимизни ҳам ана шу руҳда тарбияламоқдамиз. Гулзамон Раҳимбердиева, Норинбой Абдуллаев, Солия Қаронбоева каби устоз педагогларнинг миллий қадриятларимиз, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган удумларимиз, юрт ободончилиги учун меҳнат қилиш, уни муқаддас билиш ва ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳикоялари ўқувчилар қалбини эпкинга солади, ўйлашга даъват этади. Биз уларни шонли ўтмишимиз билан ғурурланиш, бугунги кунимиз учун шукроналик, истиқболимиз олдида масъулият руҳида вояга етказмоқдамиз.

*** Мустақиллик йилларида вилоятимизда бир қатор академик лицей ва коллеж бинолари барпо этилди. Ҳозир 3 та академик лицей ва 62та коллежда 44 минг талаба билим олмоқда.**
*** Тошкент вилоятида сўнгги бир йилда 9 та янги мактаб биноси қурилиб, уларнинг жами 894 тага етди.**
*** Уларда 38 мингдан зиёд педагог ёшларга билим бермоқда.**
*** Умумтаълим мактабларида 517288 ўқувчи янги ўқув йилини бошламоқда.**
*** Мактабларимизнинг биринчи синфларига 53392 нафар кичкинтой қабул қилинди.**
*** Бу йил мактабларни тўла таъмирдан чиқариш учун 460 миллион 337 минг сўм сарфланди.**
*** Биринчи синфларнинг ўқувчиларига 345 миллион 195 минг сўмлик дарслик китоблар тарқатилди.**
*** Умумтаълим мактабларига 518 миллион 935 минг сўмлик турли жиҳозлар олинди.**
*** Компьютерлар ва таълимнинг бошқа технологиялари учун ускуналар олишга 187 миллион 500 минг сўм сарфланди.**

# ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Лидия КЛИМОВА,**
**Олмалиқ шаҳридаги 3-болалар боғчасининг мудираси.**

— Узлуксиз таълим дастурини амалга ошириш жараёнида боғча таълим-тарбиясининг роли кўтарилиб бормоқда. Негаки, мактабда ўқишни бир маромда муваффақиятли давом эттириб кетиш асосан шу дебоча таълимга боғлиқ бўлиб қолаяпти. Шу сабаб бугун болалар боғчаларига кенг жамоатчилик, давлат идоралари ва корхоналар раҳбарларининг эътибори ортмоқда.

Шаҳримиздаги 37 та мактабгача тарбия муассасасида кончилар, металлурглар, транспортчилар, кимёгарлар ва бошқа касб эгаларининг 5350 фарзанди тарбияланаётир. 450 юқори малакали тарбиячи кичкинтойларни катта ҳаёт йўлига тайёрламоқда.



Эртага — Билимлар кунида 2398 кичкинтой илк дафъа мактаб остонасини хатлаб ўтади. Уларни шу қадамни қўйишга тайёрлаш учун кўп иш қилдик. Аввало, олти ёшли 1737 бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 80 фоизини соғломлаштириш чоралари кўрилди. Мактабларда эса, махсус комиссиялар биринчи синфга қабул қилинаётган болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказишди. Мактабга боғча-тайёрлов босқичида кичкинтойлар дастлабки зарур кўникмаларни олишди.

Лекин шуни айтиш керакки, боғчаларда таълим-тарбия савиясини давлат таълим стандартлари даражасига кўтариш учун ҳали кўп изланишимиз керак.

# ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

**Давлатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб борди. Шу туфайли мамлакатимизда иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтиришга жиддий ҳаракат қилинмоқда.**

Бутун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиб бормоқда. Айниқса, экспорт ҳажмининг импорт миқдорига нисбатан ортиб бораётганлиги айни муддао бўлмоқда. Вилоятимиз ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган мамлакатлар сафи йил сайин кенгайиб, 2002 йилда 66тага етди. Шулардан 55таси узоқ хориж давлатлари.

Ўтган йилнинг олти ойида экспорт жами ташқи иқтисодий фаолиятнинг 54,4 фоизини ташкил этган бўлса, ўтаётган йилимизнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 57,9 фоизга тенг бўлди. Вилоят бўйича шу даврда жами ташқи савдо айланмаси 293,8 миллион АҚШ долларига етди. Унинг 170,2 миллион долларлиги экспортга тўғри келади.

Вилоятимиз ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига дадил кириб бораётир. 2002 йилнинг биринчи ярмида чет давлатлар билан савдосотиқ ҳажми 188,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шу даврда экспортда энг юқори кўрсаткич қора ва рангли металлургия соҳаларига тўғри келди. У чет элларга етказиб берилган жами маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини ташкил этди, пахта толаси эса 17,8 фоиз бўлди. Бундан ташқари, анчагина миқдорда кимё маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, озиқовқат маҳсулотлари ҳам чет элларга юборилди.

Саноатимиз пешқадами Олмалиқ кон-металлургия комбинати маҳсулотни экспорт қилишда олдинда бормоқда. Кончилар ва металлургчилар бирлаштирган кўп минг кишилик жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 миллиард 548,6 миллион сўмга кўпайтириб, экспорт режасини ортиғи билан адо этди. Корхонанинг чет элларга юборган маҳсулоти ҳажми юз миллион доллар атрофида бўлди. Ўзбекистон металлургия комбинати, «Чинозтўқимачи», «Фар ваб», «Паллада Восток» қўшма корхоналари, «Оҳангаронинпласт» акциядорлик жамияти, «Бер Ад» хусусий корхонаси ва қатор бошқа жамоалар ҳам экспорт топшириғини муваффақиятли уддаладилар.

Хорижий мамлакатлар сармоялари билан биргаликда барпо этилган қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик тузилмалари ҳам маҳсулотни экспорт қилишда тобора фаол қатнашмоқдалар. Бундай қўшма корхоналарнинг сони 23тага етди. 2002 йилнинг ўзида улар сафига яна бешта шундай корхоналар қўшилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ўтган ярим йилда хорижий мижозларга юборган маҳсулотлари ҳажми 6,7 миллион долларликка етди ва вилоят экспортида 3,9 фоизни ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг республикамиз экспорт ҳажмидаги улуши 13 фоиздан ортиқроқни ташкил этди. Бу соҳада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Бу билан ватанимизнинг халқаро микёсдаги обрўсини оширишга, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 11 йиллигини янги марраларни эгаллаш билан кутиб олаётган вилоятимиз меҳнаткашлари ташқи иқтисодий алоқалар ва экспорт соҳасидаги саъй-ҳаракатларни тобора кучайтирмоқдалар.

*Мирсобир* ***МИРҲАМИДОВ.***

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг асосий мазмун ва мақсади шу азиз юртда яшаётган инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровон ва тўкин яшаб, эркин меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.**













**Истиқлол халқимизнинг ўзига хос яна бир фазилатини рўй-рост намоён этди. Бу унинг бунёдкорлик салоҳиятидир. Мустақилликда кечган ўн бир йил давомида бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилоятда ҳам қурилиш ишлари кўлами янада кенг қулоч ёйди.**

# БУНЁДКОРЛИК

Хусусан, истиқлолнинг ўн бир йиллигидан сўнг орадан ўтган бир йиллик муддат ичида юзлаб янги иншоотлар бунёд этилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида жами 144 та турли соҳаларга таааллуқли янги иншоотлар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий-маиший хизмат бинолари, саноат корхоналари, маҳалла гузарлари, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, бозор ва савдо ҳамда спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди, шунингдек, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўтган бир йил давомида вилоятимиз ҳудудида мустақилликнинг ўн бир йиллигига атаб, 3 та қўшма корхона, 6 та турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цех, 2 та ғишт заводи, 2 та касб-ҳунар коллежи, қўшимча синфхоналари билан 9 та мактаб, 7 та қишлоқ врачлик пункти, 39 та дўкон, 14 та савдо растаси, 11 та чойхона, 5 та деҳқон бозори, 2 та маҳалла гузари, 7 та савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчаси, 3 та истироҳат боғи, «Қариялар уйи», бир қатор оромгоҳ, туғруқхона ва спорт мажмуалари қурилиб ишга туширилди. 43,3 километр узунликда газ ва 10,1 километр масофага ичимлик сув қувурлари тортилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари қурувчилари Истиқлол иншоотларини бунёд этишда фаол иштирок этиб, мустақилликнинг ўн бир йиллик байрамини муносиб кутиб олмоқдалар. Янгийўл, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Зангиота, Тошкент туманларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кўлами, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Янгийўлдаги улгуржи бозорга кираверишда ўрнатилган янги, кўркам дарвоза ҳамда гўзал фаввора шаҳарликларни мамнун этди. Шаҳар бозори ичида қурилган қўш қаватли савдо мажмуи, 14 та савдо растаси аҳоли учун катта қулайликлар яратди. Спиртли ичимликлар тайёрлашга ихтисослашган янги «Майсано» қўшма корхонаси, ғишт ишлаб чиқариш цехи шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қила бошлади.

Зангиота туманида амалга оширилган қурилишлар янада салмоқли. Мустақилликнинг ўн бир йиллигига бағишлаб, «Дамачи агро» музқаймоқ корхонаси, пахтани қайта ишловчи, тикув, мебел, қандолат, шоколад, печенье тайёрланадиган жами тўртта янги цех барпо этилди. Бундан ташқари «Қариялар уйи», «Оталар чойхонаси», бир қатор мактаб бинолари, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари фойдаланишга топширилди.

Кунига 2400 шиша спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Марел» масъулияти чекланган жамияти, 20 минг ғишт тайёрлайдиган «Бинокор-М» ғишт заводи Янгийўл тумани меҳнаткашларининг истиқлол байрамига муносиб совғалари бўлди. «Саховат маркази», «Шаҳидлар майдони» каби яна ўнлаб янги иншоотларни барпо этган Қуйичирчиқ ва Юқоричирчиқ туманлари меҳнат аҳли энг улуғ байрамимизни ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Ишончимиз комилки, серқуёш юртимизда эркинлик, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик барқарор ҳукм сурар экан, халқ фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишлари кенг кўламларда давом этаверади.

# СЎЗ НИШОНДОРЛАРГА

Мустақиллик ҳар бир кишининг қалбида ҳамжиҳатликни, юрт ишига камарбасталикни, касбига фидойилик ҳиссини қарор топтираяпти. Шу боис тарихан қисқа даврда юртимизда катта ўзгаришлар юз берди.

Хусусан, жойларда хорижий илғор технологиялар билан жиҳозланган кўплаб қўшма корхоналар барпо этилаяпти. Уларда минг-минглаб ҳамюртларимиз меҳнат қилишмоқда. Мен ҳам шулар қаторида Янгиобод қишлоғидаги бир марта фойдаланиладиган шприцлар тайёрловчи қўшма корхонада 1997 йилдан бери чилангарлик касбида ишлаб келмоқдаман.

Камтарона меҳнатим юксак мукофот — «Дўстлик» орденига муносиб кўрилгани ёру-дўстларим ва касбдошларимни ҳам беҳад қувонтирди. Бундай хурмат-эътибор кишини эзгу ишларга ундаб, куч-ғайрат бағишлар экан.

Она-Ватанимизда доимо осойишталик барқарор бўлишига, истиқлолимизни авайлаб асраш ва янада мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшавераммиз.

***Ҳаниф МУЛЛАЯНОВ,***
***Қибрай туманидаги «Медиз» қўшма корхонаси чилангари, «Дўстлик» ордени соҳиби.***

Яхши одамларнинг бир оғиз илиқ гапи, далдаси ҳаётинг мазмунини белгилаб беради. Конда энди иш бошлаган пайтларим эди.

— Мен ҳам сизга ўхшаб экскаваторчи бўлмоқчиман, — дедим тажрибали кончи сифатида танилган Тўқсон ака Пардаевга мурожаат қилиб.

Улар мамнун жилмайдилар.

— Агар қизиқсанг, яхши касб.

Шу кундан бошлаб улар менга устозлик қилдилар. Машинистликнинг сирларини ўргатдилар. Кўп ўтмай, экскаваторни мустақил бошқара бошладим.

Умр оқар дарё, деганларидек, мана шунга ҳам 32 йил бўлибди. Ҳамма вақт корхона маъмурияти топшириғини ортиғи билан уддалашга ҳаракат қилиб келмоқдаман. Меҳнатим туфайли жамоа ўртасида обрў-эътибор топдим. Корхона саккиз ойлик иш режасини 111 фоиз қилиб бажарди. Бунда озми-кўпми менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Куни кеча Президентимизнинг фармонига мувофиқ «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганлигимни эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Мени бу юксак мукофот билан биринчи бўлиб устозим табрикладилар.

***Абдумўмин ДЕҲҚОНОВ,***
***«Ангрен» кўмир кони 2-участкаси экскаваторчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.***




**Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бу шунчаки бир мақсад эмас. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини ва самарадорликни оширишдир, деҳқонларнинг меҳнат ва турмуш шароитини тубдан ўзгартиришдир.**

# ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ



**Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бутун мамлакат бўйлаб кенг кўламда бошлаб юборилган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалигига устуворлик берилгани тез орада ўз самарасини кўрсатди. Давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида бозор муносабатларига мос, биринчи галда дала меҳнаткашларининг моддий манфаатларини рўёбга чиқарадиган, мазмун-моҳияти жиҳатидан бутунлай янгича тузилмалар вужудга келди.**

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқларида 191 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар тасарруфидаги пахта, дон ва сабзавот экинлари экиладиган майдонларнинг асосий қисми оилавий пудратчи ва ижарачиларга қонуний ҳужжатлар билан узоқ муддатга бириктириб қўйилди.

Ислоҳотлар оқилона ва изчил амалга ошириб борилаётганлиги туфайли қишлоқларда хусусий тадбиркорлик кенг кўламда ва жадал ривожланмоқда. Хусусан, фермер хўжаликлари сафи йил сайин кенгайиб, ҳар жиҳатдан тез оёққа тураяпти. Эндиликда вилоятда 5566 та фермер хўжалиги эркин ва мустақил иш юритиб, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Вилоят фермер хўжаликлари ўтган мавсумда 13687 гектар майдонда пахта етиштириб, давлатга 38262 тонна сифатли хом ашё сотди. Бошқача қилиб айтганда вилоят бўйича етиштирилган жами пахтанинг қарийб 14 фоизи фермерлар улушига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш бир маромда ва изчил олиб борилаётгани туфайли вилоятда асосий тармоқлар — пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик барқарор ривожланмоқда. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб, ялпи маҳсулот кўпайиб бормоқда.

Масалан, 1997 йилда 112571 гектар майдонда 258113 тонна пахта етиштирилган бўлса, ўтган йилги мавсумда экин майдони деярли 7 минг гектар камайганига қарамай, қарийб 20 минг тоннага кўпайди. Ҳосилдорлик эса 23 центнердан 26,2 центнерга кўтарилди.

Сабзавотчилик ҳам изчил юксалиб бормоқда. 1997 йилда 422177 тонна маҳсулот етиштирилган эди. 2001 йилда сабзавот экинлари ялпи ҳосили 585904 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик 183 центнердан 212 центнерга ошди.



Ғаллачилик соҳасидаги ютуқлар янада салмоқли бўлмоқда. 1997 йилда 142333 гектар майдонда 312643 тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 21,5 центнерни ташкил этганди. Бу йил эса, экин майдони 20 минг гектарга камайган бўлса-да, 144836 тонна кўп дон етиштирилди.

# БОЙИЙМИЗ — БОЙИТАМИЗ

**Ширкат хўжалигимиз деҳқонлари эл дастурхонига минг тоннадан ортиқ сабзавот, қирқ тонна картошка тортиқ қилиб, мустақилликнинг ўн бир йиллигини муносиб кутиб олдилар. Бошқа тармоқларда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, ғалла етиштириш режаси 610 тонна қилиб бажарилди. Хўжаликнинг соф фойдаси 52 миллиондан ошиб кетди.**

Бу ютуқларда озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан хурсандман.

Очиғини айтганда, шўролар даврида деҳқон туну-кун меҳнат қилган-у, косаси оқармаган. Сабаби маълум — унинг эрки ўз қўлида эмасди. Ерга эгалик қилолмаган.

Ана энди деҳқоннинг чинакамига ишлайдиган пайти келди. Шунинг учун биз ака-укалар гапни бир жойга қўйдик-да, хўжаликдан беш гектардан ортиқ ерни олиб, оилавий пудрат усулида меҳнат қилиб, сабзавот етиштиришга киришдик. Ҳар йили мўл эртанги карам, сабзавот етиштирамиз. Мана, бу йил ҳам ҳозирги кунга қадар умумий ҳисобда режадаги 107 тонна ўрнига 124 тоннадан ортиқ сабзавот ҳосили олдик. Биз меҳнат қилаётган ернинг ҳар бир гектари хўжаликка 500 минг сўм соф фойда келтираётганидан хурсандмиз. Ўзимиз ҳам кам бўлаётганимиз йўқ. Мен, укаларим Забиҳилла, Зиёдулла ва Беҳзод ҳар биримиз йилига ўрта ҳисобда 180-200 минг сўм соф фойдага эга бўляпмиз. Агар бу пулни ишлаган кунларимиз ва ойларга тақсимлайдиган бўлсак, 30-32 минг сўмга тўғри келади. Меҳнат гаштини сураяпмиз, иморат қуриб, яхши тўйлар қиляпмиз. Орзу-ҳавасларимиз амалга ошаяпти. Ана сизга оила пудрати усулида меҳнат қилишнинг қувончли натижаси. Ана сизга деҳқоннинг ерга эгалик ҳиссини амалда туйганлиги шарофати. Бизга ўхшаган ўз меҳнати самарасидан мамнун бўлаётганлар оз эмас. Хўжалигимиздаги 310 оилавий пудратчининг ҳар бири менинг сидқидилдан айтаётган гапларимни тасдиқлашига ишончим комил.

Деҳқоннинг тирикчилиги ҳамонки, ер билан экан, биз пудратчилар бундан буён ҳам ҳар бир қарич экин майдонининг қадрига етиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириб бораверамиз, ўзимиз ҳам бойиймиз, хўжаликнинг ҳам янада бойишини таъминлаймиз.

***Ғайрат ФАЙЗУЛЛАЕВ,***
***Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги оила пудрати бошлиғи.***

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида йил сайин, ой сайин юз бераётган янгиланишларни мамнуният билан кузатар эканман, Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ислоҳотлардан мақсад кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдор сифатида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканлиги ҳақида гапириб, «Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билин қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди» деган оқилона сўзларини тез-тез эслайман.**

# ЕР — СОҲИБИНИНГ ТАСАРРУФИДА

Президентимизнинг ана шу эзгу орзу-умидлари амалда рўёбга чиқаётгани ислоҳотлар қишлоқ хўжалигининг энг қуйи бўғинига ҳам сингиб бораётганида яққол кўриниб турипти.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Биз раҳбарлар илгари деҳқонларнинг ишларига аралашиб, буйруқ, кўрсатма бериш билан кўпроқ банд бўлардик. Ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалик тузилмалари мазмун-моҳият жиҳатидан бутунлай янгилангач, бу эскича тартиб барҳам топа бошлади. Бугунги оддий деҳқон эркин, мустақил иш олиб борадиган мулкдорлар синфи вакилига айланмоқда.

Масалан, биз энди бевосита дала меҳнаткашлари яратаётган моддий неъмат — соф даромадни қандай қилиб оқилона ва самарали тасарруф этиш, ушбу бойликдан уларнинг ўзлари кўпроқ манфаатдор бўлишларини таъминлаш, яъни хўжаликнинг ҳамма тармоқларида меҳнат жараёнларини енгиллаштириш, инфратузилмалар тармоғини кенгайтириш ҳисобига қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли даромадини ошириб, турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ўйлаш, изланиш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Шу йўсинда иш юритиб, иқтисодий юксалиш йўлидан бораётган хўжаликлар вилоятда оз эмас. Жумладан, бизнинг хўжалигимиз ширкатга айлантирилгач, иқтисодий жиҳатдан ўнгланиб, ижтимоий масалалар ечимига тобора кўпроқ эътибор берила бошланди. Ободонлаштириш ишларига ҳам кенг йўл очилди. Чунончи, хўжалигимиз ҳудудидаги 1700 хонадоннинг 30 фоизи ҳали газлаштирилмаган эди. Кейинги йилларда эса ана шу камчилигимизни бартараф этиш имкониятлари туғилди. Ҳозир Мойтепа, Мисқорабоғ ва Олтиш қишлоқларига газ қувурлари тортиш жадал олиб борилмоқда.

Хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти ҳамда деҳқонларнинг турмуш даражасини белгилайдиган ғаллачилик ҳам, пахтачилик ҳам барқарор юксалмоқда. Бу йил шартнома режасига мувофиқ гектаридан 26,5 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 2120 тонна хом ашё сотишимиз керак. Далада пишиб етила бошлаган ҳосил чўғи эса, режани анча ортиғи билан қоплайди. Хусусан, 183 нафар пудратчимизнинг ҳар бири камида 30 центнерлик маррани мўлжаллаяпти. Ана шундай яхши ният билан йиғим-терим мавсумига тайёргарлик кўрилмоқда.

***Ўктамжон ИБРОҲИМОВ,***
***Бўка туманидаги Йўлдош Ҳожиматов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.***



# СЎЗ НИШОНДОРЛАРГА

Дўстларим, ҳамкасбларим қутловидан ғоятда ҳаяжонландим. Шунда беихтиёр қарияларнинг ҳар икки гапнинг бирида айтадиган насиҳатомуз сўзлари эсимга тушди. «Болам, қаерда бўлмагин, қайси соҳада ишламагин, чин дилдан ихлос билан меҳнат қилсанг, ҳеч вақт кам бўлмайсан, эл олдида ҳамиша юзинг ёруғ, тилинг бурро бўлади». Мана, бу доно сўзларнинг амалдаги исботини ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Бу ҳурмат, бу обрў, бу шарафлашга бундан буён ҳам астойдил меҳнат қилиш билан жавоб беришни дилимга тугиб қўйдим. Бунинг учун бизда ҳамма имконият, шарт-шароит бор. Юксак мукофот эса бизни далада янада унумли меҳнат қилишга руҳлантиради.

***Ҳабиба ЖЎРАЕВА,***
***Чиноз туманидаги «Йўлтушган» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.***

# АРДОҚ

**Қадим-қадимдан ўзга юртга борган сайёҳми ёки савдогар аввало ўша халқнинг турмуш тарзини ўрганган, кексалари оз ёки кўплиги билан қизиққан.**

**Табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.**

**Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.**




**Шундай хурсандчилик кунда одам беихтиёр ўтган умрига назар солиб, бошидан кечирган ташвишли ва қувончли пайтларини эслар экан.**

Ёши етмиш, саксондан ошганлари кўп бўлса, боболари ва момолари бардам, демак, улардан кейинги авлод ҳам соғлом ва тетик, деган хулосага келган.

Президентимиз томонидан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинди. Бу нуронийлар олдидаги бурчимизни, зиммамиздаги масъулиятни яна ҳам оширди. Республикамизда, жумладан, вилоятимизда қарияларга ғамхўрлик кўрсатишга, саломатлигини яхшилашга эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги қарори, унга биноан қабул қилинган Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 7 февралдаги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 20 февралдаги қарорларидан келиб чиқиб, Қарияларни қадрлаш йили юзасидан ишлаб чиқилган давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида махсус тадбирлар белгиладик. Ҳозир ишларимизни шу асосда олиб боряпмиз. Айни пайтда туманимизда ёши 55 дан ошган аёллар ва 60 дан ўтган эркаклар умумий сони 8250 нафарни ташкил этади.

Давлат дастури қабул қилингач белгиланган муддатда нафақа ёшидаги барча эркак ва аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокор текширувидан ўтганларнинг 3267 нафарида турли касаллик аниқланди. Улардан 1211 нафари шифохоналарда, 2154 нафари амбулатория, 931 нафари эса уй шароитида даволанди.

Ҳар бир инсон ҳеч нарсага муҳтож бўлмасликни истайди. Лекин, ҳаётда, кимлардир баъзан ўзи хоҳламаган ҳолда ўзгалар ёрдамига эҳтиёжманд бўлади. Туманда ёлғиз кексалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида ушбу йилнинг кейинги уч ойида маълум ишлар қилинди. Масалан, 45 нафар пенсионерга сиҳатгоҳга йўлланма берилди. Шунингдек, 14 нафар ногирон қўлтиқтаёқ, уч нафари ҳасса, икки нафари эшитиш мосламаси билан таъминланди. Етти нафар ногиронга эса протез-ортопедия мосламаси олиши учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қўлларига махсус талон тутқазилди.

Шуниси эътиборлики, қарияларга бошқа соҳаларда ҳам имтиёзлар яратилмоқда. 60 нафар нуроний ҳамда фронт ортида меҳнат қилганлар, касаллик оқибатида ногирон деб топилган 16 нафар фуқаро туман ҳудудида фойдаланиши учун Зафар автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамияти томонидан 100 ва 50 фоизлик имтиёзли чипталар билан таъминланди.

Яна бир асосий масала, уй-жойи таъмирланиши зарур, деб топилган қариялар хонадонларини совуқ тушгунча тартибга келтиришдир. Ҳозиргача «Деҳқонобод» хўжалигидан тўрт нафар, Улуғбек номли хўжаликдан уч нафар, «Далварзин»дан уч нафар, «Авангард»дан икки нафар пенсионернинг уйи таъмирланди. Бу ишлар бошқа хўжаликларда ҳам қурилиш идораси бунёдкорлари томонидан олиб бориляпти.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кексалар ҳолидан хабар олиш, рўзғорига ва кам-кўстига ёрдам бериш халқимизда азалдан бор. Истиқлол ва ислоҳотлар туфайли юртимизда мулкдорлар синфи шаклланганни саховатпеша инсонларни кўпайтирди. Фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар томонидан шундай оилаларга мустақиллик шодиёнаси арафасида 320 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари, 126 минг сўмлик совға-саломлар тарқатилди. Ундан ташқари, хусусий қассобхона эгалари 66 минг сўмлик гўшт беришди. Салкам 69 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Бу рақамлар фақат бизнинг дафтарга тушгани, холос. Ёзилмагани, кимлигини билдиришни лозим топмай мурувват кўрсатганлар ҳам кўп. Айтмоқчи, тўй қилаётган ёрдамга муҳтож оилаларга зафарлик автомобилчилар ҳам ўз тўёналарини қўшишяпти, яъни беминнат хизматда бўлмоқдалар.

***Юсуф СУЛАЙМОНОВ,***
***Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири.***

# ЕТКАЗГАНИГА ШУКР

Мен шу дамда яхши, қалби кенг, ўзгалар бошига иш тушса, қўлидан келган ёрдамини аямайдиган фидойи инсонлар ҳақида ўйлаётгандим. Бу халқимизга хос, минг йиллардан буён авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ибратли миллий удумларимиздан бўлгани учун ҳам қадрли ва унутилмасдир.

Бундан икки йил аввал суюкли келиним Каримахондан айрилиб қолдик. Тўрт фарзанди мен, ёши саксонга бориб қолган бувининг қўлида қолди. Оилада ёлғиз ўғлим ишлайди. Катта неварам олий илмгоҳда, кейингилари эса мактабда ўқишади. Ўша қийин кунларда «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини, Оҳангарон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари ва фаоллари бизни ёлғизлатиб қўйишмади. Кўнглимизни кўтариб, моддий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Мени яна ҳам хурсанд этгани кечагина байрам шарафига шаҳар ҳокимлиги томонидан невараларимга ҳам кийим-кечаклар ажратилганини маълум қилишди. Эшитиб жуда қувондим. Илойим, элпарвар юртимизда мустақиллик абадий бўлсин! Халқимиз бахтига Юртбошимиз омон бўлсин! Истиқлол равнақига менинг фарзандларимнинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилсин!

***Муҳаррам РИХСИЕВА, Оҳангарон шаҳри.***



*СУРАТДА: Юқоричирчиқ тумани нуроний отахонлари (чапдан) Турдиали Тўлабоев, Султон Қурбонов, Абдулла Ортиқов ҳамда Жуман Маражапов.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# «БУ ЕРДАН ҲАММА ХУРСАНД КЕТИШИ КЕРАК»

**Яқинда Ғазалкентдан қайтаётиб, автобусда шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдик...**

— «Товоқсой» сиҳатгоҳида яйраб дам олиб, саломатлигимни тиклаб қайтяпман, — деди етмиш ёшлардаги отахон ёнидаги ҳамроҳига.

— Давлатимиз раҳбариятига минг раҳмат. Биз кексаларга ғамхўрлик йилдан-йил ошяпти. Оромгоҳларни жаннатдек жойга айлантириб, ҳамма нарсани муҳайё этиб қўйган мутасаддилар ҳам барака топсин. Ўн саккиз кун қўли енгил дўхтирлар назоратида бўлиб, уста ошпазлар тайёрлаган таомларни баҳузур тановул қилдик. Сиҳатгоҳ ходимларининг бари хушмуомала, маданиятлилигидан кўнгилимиз кўтарилди. Шундай кунларга етказганига такрор ва такрор шукроналар айтдим. Келгуси йили яна шу ерга келишни ният қилиб қўйдим.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли мазкур сиҳатгоҳ уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар ҳамда Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашганларга хизмат кўрсатади.

— Сиҳатгоҳимиз 400 ўринга мўлжалланган, — дейди «Товоқсой» раҳбари Ҳикматилла Султонов. — Бир йилда ўрта ҳисобда 7 минг киши кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб соғлиғини тиклаб қайтади. Бунинг учун бизда ҳамма шароит муҳайё. Отахон ва онахонлар хизматимиздан мамнун бўлиб, бир оғиз раҳмат дейишса, жамоамизга берилган энг катта мукофот шу.

Ушбу даволаниш ва дам олиш масканида асаб, юрак-қон томир, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликлари билан азият чекканлар самарали шифо топмоқдалар. Сиҳатгоҳга келганлар дастлабки куниёқ тиббий кўрикдан ўтадилар. Мабодо кимнидир йўлланмада кўрсатилган ташҳисдан ташқари яна бирон аъзоси безовта қилаётгани аниқланса, унга ҳам муолажа белгиланади.

— Даволанувчилар саломатлигини яхшилаш жараёнида бизда йигирмадан зиёд муолажа усули қўлланилади, — дейди тажрибали шифокор Миртоҳир Ғуломов. — Уқалаш, игна билан даволаш, шифобахш сувли душ, ванна қабул қилиш, электр уйқу, гиёҳли шарбатлар шулар жумласидан. Шуни алоҳида такидлаш жоиз, жамоамизда ўз соҳасининг билимдони ҳисобланган 13 нафар врач-ординатор, 47 нафар ўрта махсус маълумотли ҳамшира фаолият кўрсатяпти. Парҳезшунос-шифокор эса даволанувчи ҳолатига қараб ким қандай таом истеъмол қилиши лозимлигини белгилайди.

Боғни қарасанг боғ бўлади, деб боболаримиз бежиз таъкидламаган. Ҳ.Султонов «Товоқсой»га раҳбар бўлиб келгач сиҳатгоҳ ҳудуди «ёшарди». Юзлаб туп турли дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шу йил эрта баҳорда 6,5 минг туп гул кўчати экилди. Қишда биноларни етарли даражада иссиқлик билан таъминловчи қозонхона қуриб битказилди. Янги бунёд этилган 550 ўринли ошхона мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Ҳар бир жойнинг файзи одам билан, дейдилар. Ана шундай саришта ва сўлим маскандан эса, ҳеч қачон инсон қадами аримайди, файзи зиёда бўлаверади. Озод ва обод юртда яхши яшаб, яхши дам олганга нима етсин!

***Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***




**Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш борасида катта ишлар қилинди. Бу борада муҳим давлат дастурлари, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисидаги қарор, хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги қонун амалга оширила бошланди.**

**Бу эътибор ва ғамхўрликлар туфайли мамлакат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг нуфузи ортиб, улар фаолиятининг барча йўналишларида кескин кўтарилиш палласи бошланди.**

# ЮРТ ДОВРУҒИНИ ОШИРИБ

**Муҳаббат ШОЮСУПОВА,**
**Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари.**

— Мамлакатимиз тарихи хотин-қизлар ҳаракатида ҳеч қачон ҳозиргидек кўтарилиш палласини кўрмаган. Мустақиллик аёлларимизни карахтлик ва бефарқлик уйқусидан уйғотиб, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ва иқтисодий ўзгартиришларнинг олдинги маррасига олиб чиқди. Улар ислоҳотни амалга ошириш, демократик-фуқаролик жамияти ва давлатини мустаҳкамлаш, маданият ва маънавиятни, илм-фанни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўша бошладилар.

Бугун вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида минг-минг хотин-қизлар қўмиталари қизғин ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти билан машғул. Вилоят, шаҳар ва туманларда уларнинг раҳбарлари мақоми ўзгартирилганлиги хотин-қизлар ҳаракатининг жамият ва давлат ҳаётидаги нуфузини беқиёс оширди.

Хотин-қизларимиз ёшларни маънавий баркамол, жисмоний соғлом, пухта билимли, она – Ватанимиз равнақи учун меҳнат қилувчи инсонлар қилиб тарбиялашга жуда катта ҳисса қўшаётирлар. Улар — оила бекаси, боғча ва мактабларда зукко тарбиячи, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор сифатида намоён бўлмоқдалар.

Халқимизнинг бой анъаналари ва қадриятларини тарғиб қилиб, ёшлар онгига сингдиришда, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий маданиятларини оширишда хотин-қизлар ташкилотларининг ўрни алоҳида.

Бугун вилоятимизда Гулноза Турғунбоева, Рухсора Тўлабоева, Мастура Умаровалар Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишганлиги иқтидорли қизларимизнинг фан ва маданиятни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари муносиб тақдирланаётганлигининг далолатидир. Турли танловлар, кўриклар ва мусобақаларда хотин-қизларимиз ўз иқтидорларини, маънавий фазилатларини тобора яққол рўёбга чиқармоқдалар.

Мустақиллик йиллари аёлларимизнинг барча фазилатлари намоён бўлиши учун кенг имконлар очди, хотин-қизларимиз ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиб, мустақилликни мустаҳкамлаш, шу азиз юрт довруғини етти иқлимга ёйишда тобора фаол қатнашаётирлар.



*СУРАТДА: Тошкент тумани «Истиқлол нури» газетаси мухбири, «Шухрат» медали соҳибаси Мухтабар Ҳамидова.*

# СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ

**Гулчеҳра ИСЛОМОВА,**
**Паркент тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

— Ҳаётимиз жилолари мустақиллик йилларида тобора ёрқинлик ва мукамаллик касб этмоқда. Бу кўҳна тарихимизга ва қадриятларимизга муносабатда, тадбиркорликни равнақ топдиришда, баркамол йигит-қизларни вояга етказишга бўлган интилишларда кўзга ташланаётир. Гулбоғ, Наврўз, Куличи маҳаллаларида ўтган «Соғлом оила — юртга барака», Заркент, Қорақалпоқ, Номданак қишлоқларида ўтган «Соғлом набира — давомчиларимиз» мавзуларидаги кеча ва учрашувларда халқимизнинг орзу-интилишлари, ҳаётга ва келажакка муносабатлари намоён бўлмоқда.

Сир эмас, айниқса, қишлоқ аёллари ўртасида бандлик муаммосини бартараф этиш долзарб тус олмоқда. Шу боис биз қишлоқларимизда зардўзлик, попоп тикиш, гиламдўзлик цехлари очиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳаракатидамиз. Мактабларда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорлик ҳаракатига аёлларни кенгроқ жалб қилиш, янги иш жойлари очиш хотин-қизларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштираяпти.

# ОЗОД ҲАЁТ ОҲАНГЛАРИ

**Гулнора ИБРОҲИМОВА,**
**Янгиобод «Кончи» маданият уйининг директори.**



— Шоир Уйғуннинг «Ҳар даврнинг ўз зийнати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати» шеърий сатрлари бот-бот хаёлимга келаверади. Бугунги саодатли кунларимизнинг фазилати шуки, янги давр биз ўз иқтидоримиз, салоҳиятимиз, истеъдодимизни намоён этиб яшашимиз имконини берди. Ўзимизнинг Ангрен томонларида, тоғли қишлоқларимизда ҳам, айтайлик, халқ бадиий ҳаваскорлик ҳаракати ривож топаётганлиги бунинг далилидир.

Мустақиллик йиллари Ангрен ҳаваскор санъатчиларини мамлакатимиз маданий марказларининг катта-катта саҳналарига олиб чиқди. Шаҳар маданият ишлари бўлимининг изчил тадбирлари туфайли «Шоу-балет» гуруҳи, яккахон қўшиқчиларимиз эл олқишини оляпти.

Шу қутлуғ айёмда Азиза Абдуллаеванинг озод Ватан, мардона халқимиз, вафоли муҳаббат ҳақидаги қўшиқлари мамлакатимиз бўйлаб янграмоқда. Ёки Кимёхон Қосимованинг халқ қўшиқларини бир тинглаган киши яна эшитсам, дейди. Бизнинг ҳаваскорлик гуруҳларимизда ижрочилик маҳоратини эгаллаган Зулфия Юнусова бугун Чирчиқда халқ санъатини ривожлантириб, ўнлаб шогирдларни вояга етказмоқда.

Облиқ, Красногорск ва Нурободда ҳам ҳаваскорлик санъати ривожда. Дукент маданият саройининг Ирина Висоцкая раҳбарлигидаги цирк гуруҳининг ҳар бир чиқишини минглаб томошабинлар орзиқиб кутишади.

Ҳозирги эркин-эмин ҳаётимиз фазилати бу. Озод оҳанглар бизни ижодга, маданиятимиз ва санъатимиз ривожи учун хизмат қилишга ундаяпти. Бу даъватга ҳаваскор ижодкорларимиз «Лаббай!» — деб жавоб беришмоқда.

# СЎЗ НИШОНДОРЛАРГА

**Татьяна БУРГАНОВА,**
**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти руҳ заводининг устаси, «Дўстлик» ордени нишондори.**

— Бир неча кунки, мен шаҳримизда бамисоли ҳамманинг эътиборидаман. Кўча-куйда, маҳаллада, ишда одамлар мени бағриларига босиб табриклашади. Шундай онларда ўзимни ниҳоятда бахтиёр, мустақил мамлакатимизда содир этилаётган улуғ ишларга дахлдор сезаман.

Олмалиқ корхоналаридаги кўп йиллик меҳнатим Президент Фармонига кўра «Дўстлик» орденига лойиқ топилгани билан фахрланмай бўладими, ахир?! Ўн беш йилки, руҳ заводида ишлайман. Аслини олганда, шу жамоа мени камолга етказди. Ишлаб юриб институтни битирдим. 15 ёшга ўз касбимни ўргатдим. Ҳозир шогирдларимдан икки киши уста бўлиб етишди.

Шу қутлуғ кунларда барча ватандошларимни муқаддас байрамимиз — Мустақиллик куни билан қутлайман.

# ИЗЛАНСАНГ — ЕТИШАСАН

**Шаҳзода ЭШОНҚУЛОВА,**
**Бекобод туман Улуғбек номли ширкат хўжалигидаги «Ганжина» хусусий фирмасининг раҳбари.**

– Бахтни қарангки, озодлик, мустақиллик чекка қишлоқлар аёлларини ҳам тадбиркорликнинг кенг кўчаларига олиб чиқаяпти. Ўзимдан мисол. «Ганжина» хусусий фирмасини ташкил этиб, ўзимизнинг Маллавойда тикувчиликни йўлга қўйдим, ўнлаб қизларга чеварликни ўргатдим. Энг муҳими, улар онгига ҳунарли киши ҳаётда ўз ўрнини топа олишига ишончни сингдирдим.

Ҳамқишлоғим Мухтабар Даджонова ҳам паррандачилик билан шуғулланаётир. У 612 минг сўм имтиёзли кредит олиб, ўрдак боқа бошлади. Эндиликда шу кичик хўжалик касалхона ва бошқа муассасаларга гўшт ва тухум етказиб бераётир.

Интилсанг — етишасан дегани шу-да, ахир.

# ЭЪТИҚОД

**Жуда кўп муқаддас тушунчаларимиз бор. Шулардан бири Ватан тушунчасидир. Ватан қадим-қадимдан ота-боболаримиз қалбида яшаган, уларнинг юрагида масъулият ҳиссини уйғотган муқаддас маскандир. Ҳеч қурса, бобокалонимиз Амир Темурнинг фарзандлари ва невараларига васиятларини бир эслайлик. Истиқлол тушунчасини олиб кўрайлик. Шўро истибдоди жабрини бир бора тотиб кўрган инсон албатта мустақиллигимизнинг қадру қимматини яхши англаб етади. Ўзгаси, муҳими — маънавиятли ва маърифатли бўлиш тушунчасидир.**

Ҳарқалай, маърифатли инсон ҳалол ва пок бўлмоғи, адолат ва инсоф билан яшаши, қадр-қимматли ва фаҳм-фаросатли бўлиши зарур, демакдир.

Ростини айтганда, маънавият ва маърифат масалаларига юртимизда истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб эътибор берилмоқда. Шаҳсан муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари маънавий, маърифий ислоҳотларга раҳнамолик-раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

Маънавият ва маърифат сўзини бир жумла ёки бир гап билан ифодалаб бўлмайди. Унинг замирида Ватанга садоқат, қалбдаги иймон, эътиқод, дунёқараш, фикрлаш тушунчалари ўз мужассамини топади. Ўз фикрига, тафаккурига эга бўлганларгина бу сўзнинг маъно-моҳиятини англаб етади. Бу борада эришган ютуқларимизнинг туб мағзи ҳам ана шундадир.

Бугунги дориламон кунлар, истиқлолимизнинг неъматлари, эришган, эришаётган ютуқларимиз ҳақида мухтасар бир фикр юритайлик. Тинч-тотув хонадонларда ҳамиша шундай қилинади. Охир оқибати яхши бўлишига ишонч ҳосил қилган ҳолда бир биродарим ҳақида сўз айтгим келади:

Оҳангарон туманида Шермирза Зиёев исму шарифли биродарим бор. Бу маънавияти бой, ишбилармон ва тадбиркор йигит истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб эл хизматига камарбаста бўлди. 1996 йили Ғаллақудуқдаги ташландиқ беш гектарлик ерни боғу роғга айлантирган ҳам, Тошкент-Ангрен катта магистрал йўлининг чеккасида чойхона қуриб, йўловчиларга беминнат дастёрлик қилаётган ҳам, ака-укалари, қариндош-уруғлари ва фарзандлари бошини бир ерга жам қилган, ўттиз гектарлик ерда деҳқончилик қилиб, мўл-кўл ғалла етиштираётган ҳам «Зиё ота» фермер хўжалиги бошқарувининг раиси Шермирза Зиёев бўлади.

«Зиё ота» фермер хўжалиги жамоаси нафақат ўзларини-ўзлари қўллаб-қувватлашаяпти, улар олган даромадларидан тумандаги бир қатор мактаблар, мурувват уйлари тарбияланувчилари, қариялар ҳам манфаат кўрмоқдалар.

Энди, айтинг, шу эмасми, баҳона қидирмасдан, ташаббус билан изланиб, ишлаш деганлари. Эркин меҳнат қилиш шароитида ўз иқтидорини намоён этиш деганлари, шу эмасми?! Албатта, бу ҳаммаси Истиқлолимиз шарофати туфайли-да. Оҳангаронда, Бекободда, Бўкада, Олмалиқда, борингки, барча шаҳар ва туманларимизда Шермирза Зиёевга ўхшаган ишбилармон, тадбиркор ва ўз ишининг фидойи кишилари кўпчиликни ташкил этади. Шундайлар бор экан, юртимизнинг, истиқлолимизнинг, истиқболимизнинг юки асло ерда қолмайди.

Маънавият, маърифат ҳақида гап кетганда, ҳар сафар Бўка туманидаги 12-ўрта мактабнинг Маънавият ва маърифат фани ўқитувчиси Оллаберди Рустамовни эслайман.

Оллаберди ака нафақат устоз-муаллим, балки, у кишининг суҳандонлиги, суҳбатдошини ўзига жалб эта билиш қобилияти вилоятимиздаги кўпчилик иқтидорли воизларни ҳам ҳайратда қолдира олганлигини Қибрайда бўлиб ўтган Воизлар кўрик-танловида гувоҳи бўлганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда рўй бераётган воқеалар, буюк ўзгаришларни одамлар қалбига етказиш учун ҳам сабр-матонат, жасорат ва албатта сўзамоллик жуда ҳам зарур. Афсуски, бугун аксарият одамларимиз мамлакатимизда бўлаётган воқеалардан бехабар қолмоқдалар, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаяптилар. Охир оқибатда «нега ундай, нимага бундай?» деган саволлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам янгилик ва ўзгаришларни ўз вақтида одамларга етказайлик, халқ ичига кириб борайлик ақидасини шахсан Президентимизнинг ўзлари такрор-такрор уқдириб келадилар.

Ҳаёт каттакон баҳри уммонга ўхшайди. Унда орзу ва армон, қувонч ва ташвиш, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳу савоб ҳамиша ёнма-ён сузади. Китоб кўрмаган ўсмир, отаси топган молу дунёдан ҳаволаниб юрган эркатой, ўқимай яхши яшаса бўларкан-ку, дея бозор кезадиган айрим ёш-ялангларимиз истиқлол шарофати туфайли қўлга киритганимиз улуғ неъмат — тинчлик, хотиржамлигимизни асраб-авайлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрсалар айни муддао бўлармиди.

Бу борада ҳам инсон, миллат ва халқнинг буюклигини белгиловчи асосий омиллар, ягона меъёр – маънавият ва маърифатга бориб тақалади. Акс ҳолда бизнинг тоат-ибодатларимиз, орзу умидларимиз саробга айланиб қолиши ҳеч гапмас. Албатта, ҳар биримиз бундай бўлишига йўл қўя олмаймиз. Муҳими, Истиқлол ва Ватан иймон, эътиқодимиз бўлиб қолаверсин.

***Шавкат ТУРОБ.***

**Маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз – миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир.**




**Халқ таълими вазирлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Ўзбекистон – азиз Ватаним" ижодий иншолар танлови якунланди.**

# "ЎЗБЕКИСТОН – АЗИЗ ВАТАНИМ"

Танлов тўрт босқичда ўтказилди. Январь-февраль ойларида ўтказилган биринчи босқичда рус тилида таълим берувчи мактаблар ўқувчилари иштирок этишди. Иккинчи босқич эса февраль-март ойларида туман-шаҳарларда ўтказилди ва унинг ғолиблари Қорақалпоғистон республикаси ҳамда вилоятлар босқичида иштирок этишди.

5, 6, 7, 8 ва 9-синфлар ўқувчилари иштирокидаги республика танловига қўйилган 14та иншода ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги тушунчалари, миллий урф-одатлар, қадриятларимизни қанчалик англаб етганликлари баён этилган. Бошқа мавзуда ёзганлар қаторида ангренлик Дилдора Азизова ёзган иншо ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилди.

– Тадбирни ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини оширишдир, – деди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим мудири А. Набиев.

# АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

**Қибрай туманидаги "Нуроний отахонлар" оромгоҳида Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда "Миллий ғоя – бизнинг ғоя" мавзуида икки авлод учрашувини ўтказди.**

– Мазкур тадбир ёшларимизнинг онгида кексаларни қадрлашдек халқимизга хос асрий туйғуларни шакллантириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёлғиз кексалар, фахрийлар ва ногиронларга ғамхўрлик ҳаракатини кучайтириш мақсадида ўтказилмоқда, – деди "Камолот" ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев.

Тадбир сўнгида йиғилганларга байрам дастурхони ёзилиб, таниқли санъаткор ва шоирларнинг чиқишлари бўлди.

***"Туркистон-пресс".***

# БЕШИК – ВАТАН

**Бадиа**

Халқ бешикни ҳам, Ватанни ҳам муқаддас билади.

Бешикни икки киши кўтармайди.

Нега?

Чунки у... тобут эмас!



Бешик ёпқичсиз, яъни говрапўшсиз қолдирилмайди.

Нега?

Чунки у... тобут эмас.

Бешик устидан ҳатланмайди.

Нега?

Чунки унда ОДАМ ётади!

Булар — халқнинг бешик ҳақидаги тасаввурларидан бир чимдимгина, холос.

Миллатимиз бешик билан тирик. Ўзбек бешиги билан ҳақли равишда фахрланади. Сабаби — бу бешикда жаҳоннинг манаман деган қавми ҳам ҳавас қилса арзигулик не-не буюк зотлари ётган.

Ижод аҳли учун бешик — ўта зўр миллий тимсол. Айтмоқчиманки, халқ, барибир, ўз расм-русумлари, қадимий анъаналари билан яшайди.

Демак, инсон хаёлида бешик — ВАТАН.

Биз ўтиб кетаверамиз.

БЕШИК қолади!

Биз ўтиб кетаверамиз.

ВАТАН қолади.

Йўқ!

БЕШИК ва ВАТАН бор бўлса, биз ҳам бормиз.

***Султонмурод ОЛИМ.***

# МУСТАҚИЛЛИК ТАРОНАСИ

**Мустақиллик байрамининг 11 йиллиги олдидан Янгийўл шаҳрининг А.Навоий номли маданият ва истироҳат боғида «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида «Мустақиллик ва маънавият» мавзуида катта тадбир ва концерт бўлиб ўтди.**

Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган кекса авлод вакиллари, турли соҳа ходимлари ва бир қатор иқтидорли ёшларга Фахрий ёрлиқ топширилди.

Таниқли санъаткорлар Олмахон Ҳайитова, Нодир Лутфуллаев ва бошқа хушовоз хонанда ва созандаларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

***Ўз мухбиримиз.***

«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси барча юртдошларни, жумладан, жамоа хизматларидан фойдаланаётган ўз мижозларини

буюк Истиқлолнинг

11 йиллиги



билан муборакбод этади.

Мустақил Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётган ҳар бир инсонга соғлиқ, бахт-иқбол ва эзгу ишларида файзу барака тилаймиз.

# СЕРЖИЛО «ГИЛАМ»

**Брюссель шаҳар ҳокимияти ҳар икки йилда аҳоли ва кўплаб сайёҳларни ҳайратда қолдирадиган тадбир ўтказади. Унга кўра шаҳарнинг энг гавжум майдонларидан бири — «Гранд Пляс» 75х24 метр ҳажмидаги 700 минг табиий гулдан иборат «гилам» билан қопланади.**

Бу анъана 1971 йилда дизайнер-тасвирчи Этьен Стотемас ташаббуси билан табиий гуллардан ишлаб чиқилган серҳашам гиламни кўргазмага қўйишдан бошланган. 30 йил мобайнида мазкур гиламлар турли мавзуларга бағишланган. Хусусан, 1979 йили тадбир Брюсселнинг 1000 йиллигига бағишланган бўлса, 1980 йили эса Бельгия қироллиги давлатчилигининг 150 йиллиги муносабати билан ташкил этилган. Йиллар давомида гиламлар мавзулари ўзгаргани билан уни ишлаб чиқариш учун ишлатилган «хом ашё» ўзгармасдир. У қизил, тўқ қизил, сариқ, тўқ сариқ, оқ, пуштиранг ва бошқа рангли бегония — «begonia tuberosa gradiflora» гулларидир.

Ҳозирда ёзилган гилам мавзуи «Гранд Плясдаги Версал» бўлиб, у 1800 квадрат метр майдонни безаган. Лойиҳа муаллифи — бельгиялик дизайнер Марк Шотет ўз гиламида ушбу гулнинг сержило барглари орасига 1,5-7 метр баландликка мусаффо сув оқимларини отиб чиқараётган жами 5 фаввorани жойлаштирган. Кеч кириши билан саккиз рангли бегония гулларига йўналтирилган ранг-баранг нурлар ва шу ердан таралаётган жозибали Гендел мусиқаси оҳанги остида ўз баландлигини электроника бошқаруви орқали ўзгартирувчи фаввора оқимлари ҳашаматли маконга янада гўзаллик бахш этмоқда.

*Жўра ДЕҲҚОНОВ,*
*«Жаҳон» АА.*
*Брюссель.*

«ТОШКЕНТВИЛОЯТСАВДО»

акциядорлик компанияси

барча савдо ходимларини жонажон Ўзбекистонимизнинг энг асосий байрами —

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги

билан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз равнақи ва харидорлар қувончи учун хизмат қилувчи эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.



«Тошкентвилоятсавдо» АК
СОТИШ УЧУН
→ шакар (Россия, Дания)
→ «Олейна» писта ёғи
→ «Натура» ўсимлик ёғи
→ 1 навли ун (Қозоғистон)
ТАКЛИФ ЭТАДИ
ва сақлаш муддати умумий сақлаш муддатидан камида 80 фоизни ташкил этувчи гўштли консерваларни
ХАРИД ҚИЛАДИ.
Тел: 152-12-39, 152-11-98.

## «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бўлими — «ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» вилоят корхонаси

**Телекоммуникациялар тармоқлари абонентларини, Тошкент вилояти ва бутун мамлакатимизнинг аҳолисини улуғ байрам —**



### Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

### 11 йиллиги

***билан чин қалбдан қутлайди ҳамда бахт, олам-олам қувонч ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилайди.***

**«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ».**

## *Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиали бутун Ўзбекистон халқини*

## жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг 11 йиллик байрами билан

***қизғин муборакбод этади. Юксалиш ва тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг меҳнаткаш ва меҳмондўст халқига, ҳар бир хонадонига тинчлик, тотувлик, оилавий хотиржамлик, дастурхонларига тўкин-сочинлик ва файзу барака тилайди. Осмонимиз ҳамиша мусаффо ва тинчлигимиз абадий бўлсин.***



## Истиқлол байрами муборак, азиз юртдошлар!

# УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Шу йил июль ойида Малайзиянинг Серембран шаҳрида бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасида вилоятимиздан Б.Сарсекбоев, И.Бердиев, Р.Саидовлар муваффақиятли иштирок этди. Улар Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик шодиёнасига муносиб совға ҳозирлашди.**

Президентимиз Ислом Каримов боксчиларимизнинг бу улкан ғалабасини юксак баҳолаб, уларнинг баъзиларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекканди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Икром Бердиев, Бахит Сарсекбоевга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони тантанали топширилди.

— Менга камтарона меҳнатим учун «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилганидан беҳад хурсандман, — деди Осиё чемпиони Бахит Сарсекбоев. — Юртбошимиз Ислом Каримов доимо биз, спортчиларни қўллаб-қувватламоқда. Бунга жавобан Ватанимиз байроғини энг нуфузли мусобақаларда сарбаланд этишга бундан буён ҳам интилаверамиз. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинлари ҳамда 2004 йили Грецияда бўладиган Олимпиада мусобақаларида ҳам қитъа биринчилигида эришган муваффақиятимизни такрорлашга ҳаракат қиламан.

# БАЙРОҚНИ БАЛАНД КЎТАРИНГ

◆ Мустақиллик йилларида вилоятимиз спортчилари халқаро миқёсдаги бир неча нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, 86 та олтин, 134 та кумуш, 148 та бронза медалларини Ватанимизга келтиришди.

◆ Шу ярим йил давомида республикамизда ўтказилган турнирларда вакилларимиз 65 та олтин, 61 та кумуш, 75 та бронза медалларини қўлга киритишди.

◆ 2002 йилнинг статистик ҳисоботи бўйича вилоятда 3751 та спорт иншоотлари мавжуд. Шундан 38 та ўйингоҳ, 553 та спорт заллари, 15 таси сузиш ҳавзаси ва 3135 таси турли спорт майдонларидир.

# КЕТМА-КЕТ БЕШ ҒАЛАБА

**Ўзбекистон XI миллий чемпионатида 20-тур ўйинлари ўтказилди. Муборакда майдон эгаларига қарши баҳс юритган металлургчилар кўтаринки руҳда тўп сурдилар. Владимир Баранов 8-дақиқада ҳисобни очишга эришди. 22-дақиқада Шуҳрат Жабборов ҳисобни тенглаштирди.**

Танаффусдан сўнг металлургчилар яна ҳужумга зўр бериб, «Машъал» дарвозасига учта тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Майдон эгалари эса, бир тўп билан жавоб қайтардилар.

«Дўстлик» жамоаси ҳам сафарда ўйин ўтказди. «Сўғдиёна» дўстликчилар дарвозасига ягона тўп киритиб, муҳим ғалабани қўлга киритди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Қизилқум» 0:3; «Бухоро» — «Сурхон» 2:1; «Пахтакор» — «Қўқон-1912» 5:0; «Зарафшон» — «Насаф» 0:1; «Самарқанд-Д» — «Нефтчи» 0:1. «Навбаҳор» — «Андижон» учрашуви кеча ўтказилди.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 3 сентябрь, сешанба куни ўтказилади. «Металлург» «Навбаҳор»ни қабул қилади. «Дўстлик» ҳам ўз майдонида «Бухоро» билан баҳс юритади.

*Талъат ЮСУПОВ.*

*Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига*

# ПСКЕНТДА УЧРАШАДИЛАР

## Шу кунларда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида катта байрам - ўзбек футболининг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда



1912 йилда қадимий ва навқирон шаҳар Қўқонда юртимизнинг дастлабки футбол жамоалари ташкил топганди. Бу ўзига хос оҳанграбо ўйин тез кунларда Фарғона ва Марғилон, Тошкент ва Самарқанд, Андижон ва Бухоро шаҳарларига ҳам етиб борди. Йигирманчи йилларга келиб ўлкамизда «Мускоманда» (мусулмонлар командаси) ташкил этилгач, бу оммавий ўйин маҳаллий миллат ёшлари орасида ҳам кенг тарқала бошлади...

Ўзбекистон футбол фахрийлари 90 йиллик юбилей арафасида Фарғона водийсига, кейинчалик Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларига сафар уюштириб, мухлислар билан учрашдилар, савол-жавоб кечаларида, футбол-шоу байрамларида иштирок этдилар. Футболимиз отахонлари Наримон Жалолов, Элмар Аминов, Малик Мавлонов, Сергей Арутюнов, «Пахтакор» фахрийларидан Акмал Азизхўжаев, Биродар Абдураимов, Аҳрол Иноятов, Баҳодир Иброҳимов, Вячеслав Солохоларни чарм тўп мухлислари жойларда қизғин кутиб олишди. Тўлаган Исоқов ва Миржалол Қосимовларнинг Учқўрғон дон комбинати майдонидаги мини-футбол мусобақаларида иштирок этишлари мухлислар учун ўзига хос қувончли воқеа бўлди.

Бугун ўзбек футболи фахрийлари Тошкент вилояти чарм тўп мухлислари билан учрашувга чиқишади. Аввал республика Футбол федерациясида тўпланиб, пештоқига «Сафарда футболчи отахонлар» деб ёзилган «Отайўл» автобусида Пскент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги томон йўл оладилар. Улар билан бирга «Ўзбек футболи 90 йилда» очиқ музейи ҳам сафарга чиқади. Делегация аъзолари орасида Сергей Будаков, Геннадий Ермаков, Малик Мавлонов, Исоқ Тошмуҳамедов каби футболчи отахонлар билан бирга, «Пахтакор» жамоасининг собиқ машҳур ўйинчиларидан отабола Биродар ва Азамат Абдураимовлар, Мустафо Белялов, Вячеслав Солохо ва бошқалар бор.

Ўйингоҳда аввал ўринбосарлар беллашуви, кейин спортнинг турли соҳалари бўйича намунавий чиқиш ва концерт дастурлари намойиш этилади. Сўнгра вилоят чемпионати иштирокчилари билан жамоаларнинг баҳслари бошланади.

Тошкент вилояти футболи ҳақида сўз борганида биз биринчи навбатда Ашот Григорянц ва Николай Мавроматис (Чирчиқ), Владимир (Олмалиқ), Алексей Лян (Янгиобод), Валерий Куриний (Янгийўл) каби мураббийлар, Владимир Фёдоров, Олим Аширов, Михаил Ан, Шомил Яфаров, Ислом Аҳмедов каби ўйинчилар, Виктор Вишинский, Эдуард Вертоградов, Вадим Загороднюк, Тоир Тошмуҳамедов, Раҳматилла Қоратоев, Алишер Файзиев каби назоратчи ва ҳакамларни кўз олдимизга келтирамиз.

«Пахтакор-79» жамоасининг энг шонли ўйинчилари Олим Аширов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров ўзбек футболи тарихида сўнмас юлдузлардир. Ҳар йили улар хотираси ёдга олиниб, ҳар хил турнирлар ўтказиб келинмоқда. Тўйтепадаги ўйингоҳга Олим Аширов, Ўртасаройдаги кўчага Владимир Фёдоров номлари берилди. Михаил Ан оиласи ҳақида китоб чоп этилди.

XII Осиё ўйинлари чемпиони Абуқаҳҳор Маъруфалиев вилоят футбол мухлисларининг фахридир. Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида «Металлург» (Бекобод) бешинчи, «Дўстлик» жамоаси эса еттинчи ўринларда бормоқда. Ўтган йили Эронда мини-футбол бўйича Осиё чемпионатида республикамиз вакиллари фахрли ўринни эгаллаган эканлар, кумуш медаллар билан тақдирланган ўйинчилар орасида пойтахт вилоятининг Баҳодир Аҳмедов, Николай Одишев, Николай Кравченко каби вакиллари бор эди.





СУРАТЛАРДА: юртимизнинг машҳур футболчилари, марҳум Владимир Фёдоров, Михаил Ан ва республикамизда ташкил этилган дастлабки футбол жамоаларидан бири.
(Муаллиф архивидан олинган суратлар).

Яқинда Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалигида мамлакатимиз футболи фидойиларидан бири Жўра ота Хоназаров хотирасига бағишлаб ўтказилган фахрийлар турнири ҳам катта спорт байрами сифатида футболсеварларни ғоят хушнуд этди.

Республика футбол фахрийлари вакилларининг футбол-шоу байрамини ўтказиш учун айнан Пскент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги танлаб олингани ҳам бежиз эмас. Ушбу хўжаликнинг футболимиз юлдузи Биродар Абдураимов раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» жамоаси шу кунғача вилоят чемпионатида якка пешқадамлик қиляпти. Жамоанинг мақсади келгуси йили республика чемпионатининг биринчи табақасида тўп суришдир.

Мустақиллигимизнинг шонли 11 йиллиги ҳамда ўзбек футболининг 90 йиллиги байрамлари вилоят футболчиларини янги-янги зафарларга бошлайверсин!

***Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,***
***Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши раисининг биринчи муовини, республика тоифасидаги ҳакам.***

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

## Eng so'nggi xabarlar

### ПАПУА-ЯНГИ ГВИНЕЯДА ТАҲЛИКА

Шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари эътибори Папуа-Янги Гвинея давлатига қаратилган. Янги Британия оролидаги Паго тоғида вулқон уйғонгани сабабли мамлакатда фавқулодда вазият юзага келди. Ўн беш мингдан ортиқ одам уй-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Уч ҳафтаки, тўхтамай олов пуркаётган вулқонга маҳаллий аҳоли жуда юрак олдириб қўйган. Ҳозир бошпанасиз қолган ўн беш минг одам тоғдан узоқроқ жойга ўтди. Бироқ бу ерга ҳам лава оқиб келаётир. Бунинг устига қочқинлар лагерида озиқ-овқат ҳам тугаётир. Ичимлик суви кам ва тузукроқ шароит йўқлигидан одамлар орасида юқумли касалликлар тарқаляпти.

### «АСР ТОШҚИНИ» КЕЛТИРГАН ЗАРАР

Бир неча кундан буён мунтазам тошқинлардан зарар кўрган Европа ҳамжамияти шу кунларда тошқин оқибатларини тугатиш билан банд. Табиий офатдан айниқса Германия кўп зарар кўрган. Хабарларга қараганда, ҳозир мамлакатда аҳвол анча яхшиланган. Ёғингарчиликдан тўлиб кетган Элба дарёсининг суви пасая бошлади. Бу хабарни эшитган одамлар тошқин туфайли тарк этган уйларига қайтмоқда. Вайрон бўлган иншоотлар, экин майдонларини тиклаш ишлари бошланди. Ҳукумат аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётир.

### МУЗОКАРА НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Шимолий Корея билан Япония ўртасидаги музокарада икки томон ҳам бир-бирига маълум шартлар қўйди. КХДР томони Япония 1910-1945 йиллардаги мустамлака даврида корейс халқига етказган жабру ситами учун кечирим сўраши ва товон тўлаши керак, демоқда. Шунингдек, мустамлака даврида КХДР ҳудудидан олиб чиқиб кетилган маданий бойликлар ҳам алоҳида мавзу сифатида ўртага ташланмоқда. Кунчиқар мамлакат ёзма равишда кечирим сўрашга рози, бироқ товон пули ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамаётир. Япония томони Шимолий Кореядан 70-80-йиллари КХДР разведкаси томонидан ўғирлаб кетилган 11 нафар японияликнинг тақдирини аниқлаб беришни талаб қилмоқда. Ўз навбатида Шимолий Корея Токионинг бу айбловини қатъий инкор этди.

### БОМБАРДИМОНЧИ КИМ?

Панкис дараси атрофидаги қишлоқларни номаълум ҳарбий самолёт бомбардимон қилган. Ушбу ҳодиса Грузия билан Россия ўртасида дипломатик можаро келтириб чиқариши мумкин. Грузия ташқи сиёсат маҳкамаси Россия ташқи ишлар вазирлигига расмий нота жўнатди. Унда бомбардимон билан боғлиқ воқеани биргаликда ўрганиб чиқиш нияти билдирилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Грузия билан Россия ўртасидаги муносабатларга совуқлик оралашига кўп ҳолларда Чеченистон можароси сабаб бўлаётир. Россия оммавий ахборот воситалари Панкис дарасида жангарилар ўрнашиб олганини мунтазам таъкидлаб келади. Москва Грузияни Панкисдаги террорчиларга қарши чора кўрмаётганликда айблаётир.



АҚШ.

## ЯҚИН ШАРҚ:

# МУАММО ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?

**Яқин Шарқда вазият кескинлигича қолаётир. Мазкур муаммони тинч йўл билан ҳал этиш учун турли таклифлар ўртага ташланди, кўплаб музокаралар ўтказилди. Аммо манфаатлар ва турфа фикрлар тўқнашуви натижасида бу масала ҳали ҳам ўз ечимини топгани йўқ, яқин-ўртада топмаса ҳам керак.**

Шунга қарамай, Исроил ва Фаластин муносабатларини изга солиш йўлидаги ҳаракатлар давом этмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Исроил мудофаа вазири Биньямин Бел-Элиэзер билан Фаластин мухторияти ички ишлар маҳкамаси раҳбари Абдураззоқ ал-Яҳъё ўртасида ўтказилиши керак эди. Бироқ музокара бошланишига икки соат қолганда, яъни 28 август куни эрталаб Исроил ҳарбий-денгиз кучлари Ғазо минтақаси атрофини ишғол қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Исроил ҳарбийлари Фаластиннинг Шайх Олийн шаҳарчасига зирҳли техника билан кириб, Ғазо шаҳрини ўраб олган. Бундан мақсад мухторият ҳудудига сув йўли орқали кириб келаётган қурол-яроғ контрабандасига чек қўйиш ва минтақада хавфсизликни таъминлашдир. Абдураззоқ ал-Яҳъё эса Исроил ўз қўшинларини миллий маъмурият ҳудудидан зудлик билан олиб чиқиши лозимлигини, мухториятга қарашли барча шаҳарларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун Фаластиннинг имкониятлари етарли эканлигини айтди.

Исроил қамоқхоналаридан бирида сақланаётган Марвон Барқутий эса Фаластин халқини босқинчиларга қарши курашни давом эттиришга чақирди. ФАТХ ҳаракатининг Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги бош котиби бўлмиш Барқутий 15 апрель куни Рамаллоҳда ҳибсга олинган эди. Унинг айтишича, Фаластин халқи пойтахти Қуддус бўладиган мустақил давлатни тузмагунича, курашни тўхтатмаслиги керак.

Нима бўлганда ҳам, томонлар маълум маънода келишувга эришаётганига қарамай, минтақадаги вазият ҳамон беқарорлигича қолмоқда. Бу эса мазкур муаммога халқаро ҳамжамиятнинг жиддий эътибори зарурлигини яна бир бор исботламоқда.

***Озод РАЖАБОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

## Турфа олам

### ҚИЗИЛ ТАНЛИ ИЗҚУВАРЛАР



Шубҳали юкларни чегарадан олиб ўтиш учун контрабандачилар турли усулларни қўллайди. Бироқ ҳушёр божхоначилар ҳам анойи эмас. Контрабандачилар жиноятини очиш, ноқонуний юкни аниқлаш учун ҳид биладиган итлар ёки бошқа ҳайвонлардан фойдаланади. Баъзи мамлакатлар божхона хизматида эса ҳид билиш ва из топиш ишларига нафақат ҳайвонлар, балки одамлар ҳам жалб қилинар экан.

АҚШ божхона хизматида ўзини «арвоҳ бўрилар» деб атайдиган ҳиндулар гуруҳи хизмат қилади. Улар яширинган юкни ёки жиноятчиларнинг изини аниқлашда тўрт оёқли «дўстлари»дан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

«Арвоҳ бўрилар»нинг ўзига хос тарихи бор. У 30 йил аввал АҚШ Конгрессининг қонуни билан ташкил этилган. Гуруҳда ўн тўққиз эркак ва икки аёл бор.

### ОЛМАДЕК ТАРВУЗ!

АҚШдаги машҳур «Ню сайентист» илмий-оммабоп журнали уруғчилик соҳасидаги янгиликдан хабар берди. Айдаҳо штатидаги компанияларнинг бири савдога мини-тарвуз чиқарибди.

Митти тарвузларнинг диаметри атиги 12 сантиметр. Пўсти юпқа, данаги йўқ. Жуда америкаликбоп маҳсулот. Ташиш ҳам қулай.

Тарвузларнинг дастлабки савдоси чакки бўлмади. Нархи баландлигига қарамай, маҳсулот анча харидоргир чиқиб қолди. Энди кашфиёт эгаси - «Синжета Сидс» фирмаси митти тарвуздан катта даромад олишни кўзламоқда. Пўсти жуда юпқа, данаги йўқ, мазаси тотли митти тарвузлар барчага манзур бўлди.

Ҳозирча митти тарвузларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири аниқлангани йўқ. Шу сабабли мазкур фирма яқин икки йил ичида уларни Европага экспорт қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

### ЯПОН ОЛИМЛАРИНИНГ АЖОЙИБ ИХТИРОСИ



Япон мутахассислари уяли телефонлар учун митти принтер ихтиро қилиб, рангли суратлар чиқаришга муваффақ бўлишди. Бу борада «Мицубиси дэнки» компанияси ўз рақибларини ортда қолдирадиган бўлди. Гап шундаки, митти принтер нафақат уяли телефон, балки компьютер, рақамли камера ва бошқа техникавий ускуналарга уланиши мумкин. Шу боис уни универсал, деб ҳам аташ мумкин. Бўйи олти, эни бир сантиметрлик принтер ҳар ўн сонияда битта рангли суратни қоғозга чиқариб бера олади. Янги мослама 16 миллион ранг қоришмаларини акс эттириш имконига эга. Суратлар сифати ва аниқ-равшанлиги сақланиб қолиши кафолатланган.

Компаниянинг кашфиёти даромад манбаига айланиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмаяпти. Фақат бунинг учун яна икки-уч йил кутишга тўғри келади. «Мицибиси дэнки» жажжи принтерни янада мукаммаллаштириб, кейин сотувга чиқармоқчи.

Турфа олам

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

